# АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

## 18 – МАВЗУ. ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ЯГОНА АГРАР СИЁСАТИ



**Маърузачи: и.ф.н. Доц. Хакимов Р.**

**Тошкент-2021**

# 18 – МАВЗУ. ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ЯГОНА АГРАР СИЁСАТИ

РЕЖА

**18.1.Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг зарурияти, аҳамияти.**

**18.2.Европа ҳамжамиятида ягона аграр сиёсатни олиб борувчи органлари.**

**18.3.Европа ҳамжамити ягона аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини қўллаб-қувватлаш.**

**18.4.Европа ҳамжамити ягона аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини кўпайтиришни қўллаб-қувватлаш.**

## 17.1.Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг зарурияти, аҳамияти.

- Бугунги кунда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш алоҳида олинган бир давлатда маълум чегараланишларга эга. Алоҳида олинган давлатларнинг имкониятлари чекланган. Бир нечта давлатларнинг ўзаро келишган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишлари албатта катта имкониятларни очади. Биргалашиб ягона бир сиёсат орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритишнинг самарадорлигини Европа ҳамжамияти мисолида кўриш мумкин.

- Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг аграр соҳадаги имкониятларини келишилган ҳолда амалиётга қўллаш жуда катта самара бериши мумкин. Кейинги йилларда бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввало сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари ҳал этилмоқда.




“Қишлоқ хўжалиги -80” номли Мансхолд режаси қуйидаги асосий тадбирларни амалга оширишни белгилайди:
55-65 ёшдан ошган фермерлар ўз фаолиятини тўхтатган ҳолда уларга йилига маълум миқдорда пул маблағлари берилишини
Истиқболли деб топилган фермерларга имтиёзли кредитлар ва кредит кафолатлари бериш;
Фермерлар учун ахборот ва маслаҳат хизматларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш;
Маркетинг хизматларини ривожлантириш юзасидан ташкил этилаётган уюшмаларни ва бирлашмаларни қўллаб-қувватлаш;
Қишлоқ хўжалигига янги ерларни жалб этишни чеклаш.



Фермерларнинг экологик масала-ларини тўғри ҳал этишда қатнашишлари, эрта пенсияга чиқишларини қўллаб-қувватлаш.

Деҳқончилик ва қорамолчилик маҳсулотларига бўлган нарх дунё даражасига яқинлаштирилиши керак

***Мак-Шерри режасининг асосий мазмуни:***

Зарарни қоплаш тўловлари ишлаб чиқаришдан ерларни озод қилган ва 1 га ерга чорва молларининг максимал бириктирилишини таъминлаган фермерларга бериш;

Фермерларга нархларни тушир-ганлари учун зарарни қоплайдиган тўловлар тўлашни ташкил этиш;